

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ТУТГАН ЎРНИ

Душабоев Миржалол Бахтиёр ўғли

Тел: +99890099930

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10078348>

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан самарадорлигини оширишни такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бу мақсадга эришиш учун мамлакатимиз раҳбари томонидан бир қанча фармон ва қарорларнинг ишлаб чиқилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни самарадорлини оширишга албатта хизмат қиласди.

Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш". Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш имконини бермоқда.

Республикамизда "ишбилармонлик – бизнес юритиш учун амалий қулай шароит туғдириб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш реал иқтисодиётни ислоҳ этишнинг навбатдаги энг муҳим йўналишига айланмоғи зарур"

"...2016-йилда 32 минг тага яқин ёки 2015-йилга нисбатан 18 фоизга кўп кичик бизнес субектлари ташкил қилинишига туртки бўлди. Кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги ҳиссаси 56,9 фоизгача, саноатда эса 45 фоизгача ошди". "...кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини та"минлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга ёъл қўйилмаслик давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгилангани бу борадаги ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганидан далолат беради."

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида чуқур таркибий ислоҳотлар ўтказилиб, соҳада бозор муносабатларини шакллантириш, мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўтиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, дехқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйиш каби муҳим масалаларни ҳал этишга катта эътибор берилди. Бугунги кунда фермерлик фаракати жадал ривожланиб, дехқончиликда: ғаллачилик, пахтачилик, шоликорлик, мева-савзавотчилик ҳамда

чорвачиликда: қорамолчилик, қўйчилик, қоракўлчилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик йўналишларида ҳамда маҳсулотларни қайта ишлаш соҳаларида фаолият кўрсатаётган қўп тармоқли фермер хўжаликлари ривожланиб бормоқда.

Ҳозирги пайтда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам этакчи ўрин тутмоқда. Шу сабабли, кичик бизнес субъектлари фаолиятини ўрганиш ва соҳада мавжуд муаммоларни ечиш йўлларини тадқиқ қилиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш муҳим ҳисобланади.

### References:

1. Шадиева, Г. (2021). Инновацион иқтисодиёт шароитида тадбиркорликни ривожлантиришнинг айрим назарий жиҳатлари. Иқтисодиёт ва таълим, (4), 210-215.
2. SHADIYEVA, G. (2020). Social and economic concept of "Family economy", its development and conceptual ways to raise welfare. ЭКОНОМИКА, (9), 168-176.
3. Mardievna, S. G., & Boltayevna, S. F. (2021). The role of public-private partnerships in attracting investment projects in the transport sector. Journal of Contemporary Issues in Business and Government Vol, 27(6).
4. Shadieva, G. M., & Kuvandikov, S. O. (2021). " MAHALLABAY" APPROACH TO ASSESSING THE ROLE OF FAMILY ENTREPRENEURSHIP IN REGIONAL DEVELOPMENT. Экономика: анализы и прогнозы, (3), 122-126.



INNOVATIVE  
АКАДЕМЫ